

I. ҚИШЛОҚ, ҶРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ


Дастлабки маълумотларга кўра 2017 йилнинг январь-декабр ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларнинг умумий ҳажми 7415,1 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 101,1 фоизни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда қўрсатилган хизматлар ҳажми 7382,3 млрд. сўмни (101,0 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 9,0 млрд. сўмни (111,0 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 23,7 млрд. сўмни (163,6 фоиз) ташкил қилди.

2017 йилнинг январь-декабрда ҳудудлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми

	<i>Млрд. сўм</i>	<i>ўсиш сураъти %</i>
Вилоят бўйича:	7415,1	101,1
<i>шаҳарлар:</i>		
Андижон	148,2	105,7
Хонобод	40,1	104,5
<i>туманлар:</i>		
Андижон	608,4	90,6
Асака	836,7	103,7
Балиқчи	530,6	100,5
Бўз	353,2	106,9
Булоқбоши	354,7	102,2
Жалақудук	723,8	106,1
Избоскан	467,6	98,1
Улуғнор	257,3	106,6
Мархамат	492,6	102,2
Олтинқўл	451,0	107,6
Пахтабод	551,4	91,7
Хўжабод	372,7	94,4
Шахрихон	639,1	108,3
Қўрғонтепа	587,8	101,2

Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таркибий тузилишида энг юқори улуш деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келади (умумий ҳажмга нисбатан 64,4 фоиз) фермер хўжаликларида (умумий ҳажмга нисбатан 34,2 фоиз) қишлоқ хўжалигини амалга оширувчи ташкилотларда эса (умумий ҳажмга нисбатан 1,4 фоиз).

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)




Деҳқончилик. 2017 йилнинг январь-декабрда ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 5919,8 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 101,2 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 79,8 фозни ташкил қилди.


Ҳосилни йиғиб олиш. 2017 йил январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 239378 тонна жами ғалла (91,4 фоизга) етиштирилди, 508568 тонна бошоқли дон (95,0 фоизга), 508131 тонна буғдой (95,0 фоизга), 337505 тонна картошка (106,5 фоизга), 1668231 тонна сабзавот (104,5 фоизга), 132171 тонна полиз (112,1 фоизга), 645223 тонна мева (101,7 фоизга), 78993 тонна узум (103,0 фоизга) етиштирилди.

2017 йилнинг январь-декабрда хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги дехқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	Фермер хўжаликлари		Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташиқлотлар	
	минг тонна	ўсиш суръати, фоизда	минг тонна	ўсиш суръати, фоизда	минг тонна	ўсиш суръати, фоизда
Дон	548,8	95,2	81,1	84,8	8,2	100,4
Картошка	69,3	101,2	266,4	108,0	1,8	102,8
Сабзавотлар	614,7	102,3	1045,2	105,9	8,3	99,5
Полиз	80,5	103,9	51,2	129,6	0,4	46,2
Мевалар ва резаворлар	163,4	96,9	480,3	103,9	1,5	41,8
Узум	40,9	88,0	37,7	126,2	0,3	112,9

2017 йил январь-декабрь ойларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари миқдори





Чорвачилик. Келгусида чорвачилик соҳасининг имкониятларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши ҳамда давлат томонидан кўрсатилаётган тизимли қўллаб-қувватлашлар натижасида қорамоллар бош сонининг ўсишига, ички истеъмол бозорларининг чорвачилик маҳсулотлари билан тўйинишига имкон яратди.

2017 йилнинг январь-декабрда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 1372,5 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 100,2 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 18,5 фозни ташкил этди.

2018 йилнинг 1 январь ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони 1008,0 минг бошга (98,0 фоизни), шу жумладан сигирлар 339,0 минг бошга (100,5 фоизни), қўй ва эчкилар 1357,1 минг бошга (105,2 фоизни), паррандалар 6635,1 минг бошга 99,3 фоизни) ташкил қилди.


**2017 йил 1 январь ҳолатига хўжалик тоифалари бўйича
чорва моллари ва паррандалар бош сони**

	Фермер хўжаликлари		Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташиқлотлар	
	минг бош	ўсиш суръати, фоизда	минг бош	ўсиш суръати, фоизда	минг бош	ўсиш суръати, фоизда
Йирик шохли қорамоллар	38,6	98,2	962,2	98,0	7,2	96,0
шу жумладан: сигирлар	15,0	102,7	321,6	100,5	2,3	82,1
Қўйлар ва эчкилар	52,6	104,6	1299,4	105,2	5,1	94,4
Паррандалар	642,1	90,4	5237,0	100,1	756,0	101,9


Умумий бош сонга нисбатан дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 95,5 фоизни, фермер хўжаликларида – 3,8 фоизни ташкил этди, сигирлар мос равишда – 94,9 ва 4,4 фоизни, қўйлар ва эчкилар – 95,7 ва 3,9 фоизни, паррандалар – 78,9 ва 9,7 фоизни ташкил қилди.

2018 йил 1 январь ҳолатига ҳудудлар кесимида чорва моллари ва паррандалар

Йирик шохли қорамоллар (минг бош)



шу жумладан: сизирлар (минг бош)



Қўйлар ва эчкилар (минг бош)



Паррандалар (минг бош)




2017 йилнинг январь-декабрда барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазнда 135,0 минг тонна гўшт (2016 йилнинг январь-декабрга нисбатан 100,8 фоизга кўп), 898,2 минг тонна сут (100,6 фоиз), 540,4 млн. дона тухум (101,5 фоизга кўп), 2,1 минг тонна жун (98,5 фоиз) ишлаб чиқарилди.

2017 йилнинг январь-декабрда хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш





	Фермер хўжаликлари		Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташиқлотлар	
	Миқдори	ўсиши суръати, фоизда	Миқдори	ўсиши суръати, фоизда	Миқдори	ўсиши суръати, фоизда
Гўшт, тирик вазнда, минг тонна	3,9	91,4	129,5	101,3	1,7	91,0
Сут, минг тонна	30,2	96,6	863,5	100,9	4,5	88,1
Тухум, млн. дона	48,6	96,9	461,8	105,8	30,0	65,8
Жун, тонна	54	68,4	2049	99,7	4,0	126,7

2017 йилнинг январь-декабрда ҳудудлар кесимида асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш





2017 йил январь-декабрь ойларида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби
(ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида)



- Фермер хўжаликлари
- Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар

Фермер хўжаликлари. 2017 йилнинг январь-декабрда фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 2479,6 млрд. сўмни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 33,4 фоизни ташкил этди.

2018 йилнинг 1 январь ҳолатига фермер хўжаликларида 38,6 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 15,0 минг бош сигир, 52,6 минг бош қўй ва эчкилар, 1021 бош от, 642,1 минг бош паррандалар мавжуд.

2017 йил январь-декабрь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

	январь-декабрь				2016 январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2016 йил		2017 йил		
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Бошоқли дон	498016	93,0	478246	94,0	96,0
<i>шу жумладан:</i>					
<i>бугдой</i>	497982	93,1	478126	94,1	96,0
Картошка	68456	21,6	69277	20,5	101,2
Сабзавот	600871	37,6	614691	36,8	102,3
Полиз	77494	65,7	80546	60,9	103,9
Мева ва резаворлар	168745	26,6	163459	25,3	96,9
Узум	46532	60,7	40945	51,8	88,0
Гўшт, тирик вазнда	4256	3,2	3888	2,9	91,4
Сут	31240	3,5	30193	3,4	96,6
Тухум, млн. дона	50,2	9,4	48,6	9,0	96,9
Жун, тонна	79	2,6	54	2,6	68,4
Пилла, тонна	3271,4	99,0	1999,6	94,8	61,1